

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ



МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ:

**«ПРОБЛЕМЫ И ЭТАПЫ
РАЗВИТИЯ ИММУНОФИЗИОЛОГИИ
В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ»**

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК
ЧАСТЬ - 1

Ташкент-2023

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

Научно-практический журнал

2/2023

Журнал основан в 1999 г.

Международная научно-практическая конференция на
тему: «Проблемы и этапы развития иммунофизиологии
в новом Узбекистане»

Специальный выпуск

Часть - 1

Редакционная коллегия:

Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

д.м.н. Абдухакимов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., проф. Аминов С.Д., проф. Гулямов Н.Г., проф. Ибадова Г.А., проф. Косимов И.А. (зам.глав.редактора), д.м.н. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х. (зам.глав.редактора), проф. Мухамедов И.М., проф. Нарзуллаев Н.У., доцент Сабиров Дж.Р., д.м.н. Таджиев Б.М., д.м.н. Таджиев М.М., д.м.н. Саидов С.А., проф. Иноятов А.Ш., проф.Каримов А.К., к.б.н. Кахоров Б.А., проф. Богдасарова М.С., доц. Зияева Ш.Т. (ответственный секретарь).

Редакционный совет:

акад. Арипова Т.У.,
акад. РАН, Кукес В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана),
акад. Раменская Г.В. (Москва),
акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент),

проф. Облокулов А.Р. (Бухара),
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань),
проф. Гариб Ф.Ю. (Москва),
проф. Мадреимов А.М. (Нукус),
проф. Нуралиев Н.А. (Бухара)
проф. Тўйчиев Л.Н., (Ташкент)

Ташкент-2023

12. ZARIPOV B., UMMATQULOVA SH.U., MAMATOVA M., XUDOYOROV YU., QUVATOVA N., AXMEDOVA G.B. KRON KASALLIGIDA HAZM TIZIMINING MORFOFIZIOLOGIYASI.....82
13. ИСКАНДАРОВА Г.Т., САМИГОВА Н.Р., ЮЛБАРИСОВА Ф.А. ЗАМОНАВИЙ ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДАГИ ИШЛОВЧИЛАР САЛОМАТЛИГИГА КАСБИЙ ҲАВФНИ ПРОГНОЗЛАШ.....90
14. ИСКАНДАРОВА Г.Т., ТАШПУЛАТОВА М.Н., САМИГОВА Н.Р. ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МИКРОИҚЛИМНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ.....95
15. КАМАЛОВА М.Д., АЛИКАРИЕВА Д.М., ЁДГОРОВА Д.Ш., АТАБАЕВА Н.А. ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ АДАПТАЦИЯ ПОСЛЕ COVID-19 В УЗБЕКИСТАНЕ.....105
16. КАРИМОВА И.И., ГРОМОВА Л.В.И.К, ХАЛИЛЛАЕВА Г.О. ИЗМЕНЕНИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ МОЧИ ПРИ САХАРНОМ ДИАБЕТЕ.....112
17. КАРИМОВА М.А., САДУЛЛАЕВ О.К., ЎРАЗМЕТОВА Н.Ш. ТАЖРИБАДА ГЕН-МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН МАҲСУЛОТНИНГ (СОЯ) ЙЎҒОН ИЧАК МИКРОФЛОРАСИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ.....120
18. КАХАРОВ БОЛТА АБДУГАФАРОВИЧ., РАСУЛОВА СЕВАРА ЛАТИПОВНА., ТЎХТАЕВА МУНИСА ФАХРИДДИНОВНА., ЖУМАҚУЛОВА ГУЗАЛ САЙФИДДИН ҚИЗИ. “КОРМОВЫЕ ДОБАВКИ С БИОЛОГИЧЕСКИ АКТИВНЫМИ СВОЙСТВАМИ В КОРМЛЕНИИ СКОТА”.....126
19. КУДЕШОВА Г.Т., АЙТМУРАТОВА З.Р. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯШОВЧИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАНА ТАРКИБИДАГИ ЁҒ МАССАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ..... 133
20. КУРГАНОВ С.К. СПОРТЧИЛАРНИНГ НУТРИГЕНЕТИК ТЕСТИ.....140
21. KUSHKAROVA L.S., BERDIYOROVA S.H., QAYUMOV H.U., RETRENKO S.V., JILSOVA Y.V. AUTOIMMUN TIREODITNI KELIB CHIQISH MEKANIZMLARI VA TARQALISHI.....148
22. КУЧКАРОВА Л.С., РОХИМОВА Ш.О. ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ДИАБЕТ ШАРОИТИДА ТУРКЕСТЕРОННИНГ КАЛАМУШЛАР ИНГИЧКА ИЧАГИ МОРФОФУНКЦИОНАЛ ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ..... 155
23. ҚУРБОНОВ Ш.Қ. ОШҚОЗОН ВА ЎН ИККИ БАРМОҚ ИЧАК ЯРА КАСАЛЛИГИДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ.....162
24. ҚУРБОНОВ Ш.Қ., БАДАЛОВА Ф.Н. ТУЯ СУТИ ВА АЙРОНИНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ ҲАМДА ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....172

ЗАМОНАВИЙ ПОЛИГРАФИЯ КОРХОНАЛАРИДАГИ ИШЛОВЧИЛАР САЛОМАТЛИГИГА КАСБИЙ ҲАВФНИ ПРОГНОЗЛАШ

Искандарова Гузал Тулкиновна¹

Самигова Наргиз Раимовна²

Юлбарисова Фозила Абдужалиловна³

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

guzaliskandarova13@gmail.com

Калит сўзлар: меҳнат гигиенаси, замонавий полиграфия корхоналари, ишловчилар, саломатлик, касбий ҳавф, нисбий ҳавф, прогнозлаш, касалланиш.

Аннотация. Аҳоли саломатлиги давлатнинг асосий бойлигини ташкил қилади ва юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги, жадал фаолият ва жамоанинг фойдали меҳнат унумдорлигини белгилаб беради. Замонавий полиграфия корхоналарида меҳнат шароитларини баҳолаш ва вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик билан кечадиган касалланиш даражасини таҳлил қилиш бўйича ўтказилган текширувлар меҳнат шароитларини оптималлаш, ишловчилар саломатлигини сақлаш ва меҳнат самарадорлигини оширишга йўналтирилган профилактик чора тадбирлар мажмуинини ишлаб чиқишга асос бўлади. Олинган натижаларга кўра касбга боғлиқ касалликларни юқори даражасини суяк-мушак ва бириктирувчи тўқима касалликлари эгаллайди ($RR=5,0$; $EF=80\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси жуда юқори). Кейинги ўринни тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари ($RR=2,8$; $EF=64\%$) ва асаб тизими касалликлари ($RR=2,5$; $EF=60\%$) эгаллайди. Буларда касбга боғлиқлик даражаси юқори деб топилди.

Замонавий полиграфия корхоналарида меҳнат жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ишловчилар организмига шовқин, ишчи зонаси ҳавосининг чанглар ва газлар билан ифлосланганлигининг таъсири, иш жойларининг паст даражада ёритилганлиги, меҳнат жараёнларининг кескинлиги ва оғирлиги, бир маромдалиги, гипокинезия (кам ҳаракатли) ва ишчилар гавдасининг мажбуриш иш ҳолатида бўлиши билан боғлиқдир. Бу омилларнинг барчаси ишчиларнинг саломатлик ҳолатига, шу жумладан вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик (ВМК) билан кузатиладиган касалланишларга таъсир этиши мумкин.

Маълумки, узоқ вақт ишловчилар организмига ишлаб чиқаришдаги ҳавфли омилларни махсус таъсири касб касалликларини келиб чиқишига ва ривожланишига олиб келади [].

Касб касалликларини меҳнат шароитларига миқдорий жихатдан аниқлаш ва ВМКЙ ни ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқлигини ҳамда патогенетик механизмларни ривожланиши ва умумий касалликларни ривожланишини аниқлаш, касб билан боғлиқ бўлган касалликлар

категорияси деб номланувчи, замонавий босқичдаги долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади [].

Саломатлик ҳолати бузилишини касб билан боғлиқлигини кўрсатиш ва касб ҳамда касб билан боғлиқ касалликларни ривожланишини прогнозлаш учун биз томонимиздан ўрганилган меҳнат шароитлари ва ўрнатилган ҳавфлилик ва зарарлилик даражаларининг синфларига асосан тадқиқот олиб борилаётган корхоналардаги ишловчилар саломатлик ҳолатига таъсир этувчи касбий ҳавф баҳоланди ҳамда касб билан боғлиқ касалликлар даражаси аниқланди [].

Меҳнат шароитлари синфларидан келиб чиқган ҳолда полиграфия корхоналари ишчиларини касбий ҳавф даражаси “ўртача” даражага киритилиб, фақат мусахҳих ва дизайнерлар “паст” ва қоғоз сиқувчилар “ўртадан юқори” даражаларга киритилди. Булар ишлаб чиқариш муҳитидаги ноқулай омиллар ва бажариладиган меҳнат фаолияти билан боғлиқ (1-жадвал).

1-жадвал

Меҳнат шароитлари синфи кўрсаткичлари бўйича касбий ҳавфни аниқлаш

Цех номи	Ишловчиларнинг касбий гуруҳлари	Меҳнат шароитлари синфи	Касбий ҳавфнинг даражаси
Тезкор бадий цехи	Компьютерда ҳарф териш оператори, босма шаклларини кўчирувчи	3.2	ўртача
	Мусахҳих, дизайнер	3.1	паст
Босмалаш цехи	Босмаловчи, кесиш ва саҳифалаш машиналари машинистлари	3.2	ўртача
Муқовалаш цехи	Брошюровкachi, муқоваловчи, тикувчи	3.2	ўртача
	Қоғоз сиқувчи	3.3	ўртачадан юқори

Ноқулай меҳнат шароитларини ишловчилар саломатлигига таъсири касб касалликларни келиб чиқиши билан бир қаторда, умумсоматик сурункали касалликларни ривожланишига ҳам олиб келади. Бунда

информативлиги юқори ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлардан бири нисбий ҳавф (RR) ҳисобланади. У бизнинг тадқиқотларимизда 2,0 дан 3,0 гачани ташкил этди (2-жадвал). Олинган натижалар меҳнат шароитларини ҳавфлилик ва зарарлилик синфларига мувофиқ равишда (RR) юқоридаги кўрсаткичларга тўлиқ мос келишини кўрсатди.

2-жадвал

Полиграфия корхоналари ишловчилари саломатлигини бузилишини касбга боғлиқлик даражаси ва меҳнат шароитлари синфларини ҳисобга олган ҳолда нисбий ҳавфни (RR) аниқлаш

Цех номи	Ишловчиларнинг касбий гуруҳлари	Меҳнат шароитлари синфи	Нисбий ҳавф (RR)	Касбга боғлиқлик даражаси
Тезкор бадий цехи	Компьютерда харф териш оператори, босма шаклларини кўчирувчи	3.2	2,0-2,7 (2 < RR ≤ 3,2)	Юқори**
	Мусахҳих, дизайнер	3.1		
Босмалаш цехи	Босмаловчи, кесиш ва саҳифалаш машинаси машинистлари	3.2	2,0-3,0 (2 < RR ≤ 3,2)	
Муқова-лаш цехи	Брошюраловчи, муқоваловчи, тикувчи	3.2	3,0 (2 < RR ≤ 3,2)	
	Қоғоз сиқувчи	3.3		

Изоҳ: ** - контрол билан фарқи ишончли ($P < 0,05$)

Саломатликни бузилишини касб билан боғлиқлик даражасига асосланган Г.Э. Денисов томонидан 2001 йилда ишлаб чиқилган таснифга мувофиқ замонавий полиграфия корхоналарида ишловчиларнинг қандай касбга мансублигидан қатъий назар касбга боғлиқлик даражаси юқорилиги аниқланди.

Даврий тиббий кўрик натижалари таҳлиliga кўра, ишловчилардаги асосий касалликларни синфларини ҳисобга олган ҳолда нисбий ҳавф, этиологик қисм (EF) ва касалликларни касбга боғлиқлик даражаси аниқланди.

3-жадвал

**Ўрганилаётган гуруҳларда 100 ишчига нисбатан
касалланишнинг ўртача кўрсаткичлари
(даврий тиббий кўрик натижалари бўйича)**

Касаллик гуруҳлари	Тажриба гуруҳида				Назорат гуруҳида
	Касалланишнинг ходисалари сони	Нисбий хавф (RR)	Этиологик қисм (EF, %)	Касбга боғлиқлик даражаси	Касалланиш ходисаларининг сони
Асаб тизими касалликлари	19,5	2,5	60	юқори	7,9
Қон айланиш тизими касалликлари	12,9	1,6	37,5	ўртача	8,0
Нафас аъзолари касалликлари	48,1	1,5	33,3	кам	32,0
Хазм аъзолари касалликлари	2,7	1,0	0	мавжуд эмас (йўқ)	2,7
Тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари	3,6	2,8	64	юқори	1,3
Мушак, суяк ҳамда бириктирувчи тўқима тизими касалликлари	13,4	5,0	80	жуда юқори	2,6
Сийдик айирув тизими касалликлари	8,3	2,0	50	ўртача	4,1

Олинган натижаларга кўра касбга боғлиқ касалликларни юқори даражасини суяк-мушак ва бириктирувчи тўқима касалликлари эгаллайди ($RR=5,0$; $EF=80\%$ сабаб оқибат боғланиш даражаси жуда юқори). Кейинги ўринни тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари ($RR=2,8$; $EF=64\%$) ва асаб тизими касалликлари ($RR=2,5$; $EF=60\%$) эгаллайди. Буларда касбга боғлиқлик даражаси юқори (3-жадвал).

Шундай қилиб, замонавий полиграфия корхоналаридаги ноқулай меҳнат шароитлари ВМКЙ бўйича касалликлар даражасини ортишида, сурункали (касбга боғлиқ бўлган) патологияларни ривожланишида хавфли омил бўлиб ҳисобланади. Юқорида айтилганларни барчаси ўрганилаётган корхоналардаги ишловчилар саломатлигини сақлаш ва меҳнат шароитларини оптималлашга қаратилган профилактик чора тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Искандарова Г. Т., Юлбарисова Ф. А. Гигиенические особенности условий труда работников на полиграфических производствах // Молодой ученый. — 2022. — № 48 (443). — С. 556-557.
2. Косяченко Г.Е. Метод гигиенической оценки профессионального риска: инструкция по применению: утв. М-вом здравоохранения Респ. Беларусь, 20 марта 2015 г., рег. № 019–1214. — Минск, 2015. — 18 с.

3. Косяченко, Г.Е., Гиндюк А.В., Часнойть Р.А. Методические подходы к гигиенической оценке профессионального риска // Охрана труда и социальная защита. — 2016. — № 3. — С. 69–72.

4. Самигова Н. Р., Мирсагатова М. Р., Нигматуллаева Д. Ж. Экологические последствия урбанизации и индустриализации современности // Достижения вузовской науки 2018: сборник статей II Международного научно-исследовательского конкурса. — Пенза, 2018. — С. 249–252.

5. Сулейманова Д.Р., Самигова Н.Р. Прогнозирование профессионального риска для здоровья врачей санитарно-гигиенических лабораторий центров государственного санитарно-эпидемиологического надзора // Молодой ученый. — 2014. — № 18 (77). — С. 159-162.

6. Jones M.K., Latreille P.L., Sloane P.J., Staneva A.V. Work-related health risks in Europe: Are older workers more vulnerable // Social science & Medicine. - 2013. - №88. - P. 18-29.

7. Perbellini L., Princivalle A., Cerpelloni M. et al. Biological monitoring of occupational exposure to acrylonitrile // G Ital Med Lav Ergon. Jul-Sep 2003. - Vol. 25. - №3. - P. 41-42.

8. Yurt A., Cavuoglu B., Günay T. Evaluation of awareness on radiation protection and knowledge about radiological examinations in healthcare professionals who use ionized radiation at work // Mol. Imaging Radionucl. Ther. - 2014. - Vol. 23, № 2. - P. 48-53. DOI: 10.4274/mirt.00719

РЕЗЮМЕ

ПРОГНОЗ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РИСКА ЗДОРОВЬЮ РАБОТНИКОВ СОВРЕМЕННЫХ ПОЛИГРАФИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Искандарова Гузал Тулкиновна, Самигова Наргиз Раимовна,
Юлбарисова Фозила Абдужалиловна

Ташкентская медицинская академия

guzaliskandarova13@gmail.com

Ключевые слова: гигиена труда, современные полиграфические предприятия, рабочие, здоровье, профессиональный риск, относительный риск, прогнозирование, заболеваемость.

Здоровье населения является основным богатством государства и определяет высокий уровень производительности труда, интенсивную деятельность и полезную производительность труда коллектива. Проведенные исследования по оценке условий труда и анализу случаев временной нетрудоспособности на современных предприятиях полиграфии служат основой для разработки комплекса профилактических мероприятий, направленных на оптимизацию условий труда, сохранение здоровья работников и повышение эффективности труда. Согласно полученным результатам, болезни опорно-двигательного аппарата и соединительной

ткани занимают высокий уровень среди профессиональных заболеваний (RR=5,0; EF=80% при очень высоком уровне причинно-следственной связи). На втором месте заболевания кожи и подкожной клетчатки (RR=2,8; EF=64%) и болезни нервной системы (RR=2,5; EF=60%). У них уровень зависимости от профессии оказался высоким.

SUMMARY

FORECAST OF OCCUPATIONAL HEALTH RISK OF EMPLOYEES IN MODERN PRINTING ENTERPRISES

Iskandarova Guzal Tulkinovna, Samigova Nargiz Raimovna,
Yulbarisova Fozila Abduljalilovna

Tashkent Medical Academy

guzaliskandarova13@gmail.com

Key words: occupational health, modern printing companies, workers, health, occupational risk, relative risk, forecasting, morbidity.

The health of the population is the main wealth of the state and determines the high level of labor productivity, intensive activity and useful labor productivity of the team. The conducted studies on the assessment of working conditions and the analysis of cases of temporary disability at modern printing enterprises serve as the basis for the development of a set of preventive measures aimed at optimizing working conditions, maintaining the health of workers and increasing labor efficiency. According to the results obtained, diseases of the musculoskeletal system and connective tissue occupy a high level among occupational diseases (RR=5.0; EF=80% with a very high level of causation). In second place are diseases of the skin and subcutaneous tissue (RR=2.8; EF=64%) and diseases of the nervous system (RR=2.5; EF=60%). They had a high level of dependence on the profession.

УДК 614.6

ФАРМАЦЕВТИКА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МИКРОИҚЛИМНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Искандарова Гузал Тулкиновна¹

Ташпулатова Муниса Нигманжановна²

Самигова Наргиз Раимовна³

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент

guzaliskandarova13@gmail.com

Калит сўзлар: фармацевтика корхонаси, инъекцион дори воситалари ишлаб чиқариш цехи, ишлаб чиқариш муҳити, зарарли омил, микроиқлим, соғломлаштириш чора-тадбирлар.

Аннотация. Фармацевтика ишлаб чиқариш корхоналардаги микроиқлим ноқулайлиги билан таърифланади. Унинг параметрларидан бири ҳавонинг нисбий намлиги йилнинг совуқ даврида айрим асосий доимий иш жойларида (ампулаларни кесиш ва тайёрлаш, стерил эритмаларни тайёрлаш ва ампулаларга тўлдириш бўлимлари) рухсат этилган меъёрдан юқори. Бу